

Бир юз йигирма беш йилдан буён изчиллик билан мустамлакачилик сиёсатини турли шаклларда амалга ошириб келаётган улуг рус шовинизмининг маккор механизми гилдираклари остида минг йиллик маънавий ва моддий кадриятлари янчилган Туркистон замани яна бегунох фукаролар конига бўялди. Бир юз йигирма беш йилдан буён харбий, сиёсий, иктисодий, кимёвий, рухий, маънавий зулмлардан эзилган туркистонликлар кайта куриш, ошкоралик, демократия гоёларига ишониб, эндигина кадди-коматларини тиклаётган чоғларида, беихтиёр, бир-бирлари билан тўкнашиб кетаётганларига нима дейлик? Кайта куришнинг олтинчи йилида, Фаргона фожиаларидан роппа-роса бир йил кейин, хали Бўкадаги, Паркентдаги конга бўялган расмий игвогарликлар таъсирида гангиб турган ўзбек халки бошига яна бир мусибат тушди. Бу сафар Ўш вилояти киргизлари арокка кўшиб берилган миллий мумтозлик захргоясидан бангилардек кутуриб, куролсиз ўзбек кардошлари конини тўкдилар. Гафлатда колган ўзбеклар эса партаппаратнинг митти дохийлари иродасига, бюрократизмга карши кураш кандай дахшатли фожиаларга олиб келишини калб кўзлари, хотира кўзлари билан кўриб кўйдилар!

Хўш, Ўшда нима бўлди? Гарчи фожиалардан кейинги ярим йил давомида, махаллий хам марказий матбуотдаги юзлаб маколалар оркали, одамни сескантирадиган даражадаги бу вахшийлик узок ва пухта тайёрланган стсенарий асосида амалга оширилган сиёсий жиноят махсули эканлиги тўғрисида айрим маълумотлар олган бўлсак-да, Ўшда нима бўлди, деган савол хануз кўнглимиздан кетмайди. Бу сафар хам миллатлараро тўкнашувлар оркасида аллакандай галамис тўдалар, жангари норасмийлар, партаппаратчилар, савдо ходимлари махфияси (мафияси) турибди, деган умумий хулосаларни эшитдигу, аммо аллакачон сиёсий сахна ортига ўтиб олган асосий айбдорлар номма-ном айтилмади. Бир парча ерга доир игво бахонасида вилоятдаги 830 минг ўзбек ахолисини соддадил киргизлар кўли билан ёппасига катагон килишни режалаштирган, мудхиш жиноятлар изларини «миллатлараро тўкнашувлар» деган алвон шиорлар билан ёпишга улгурган махфия пешволари кимлар? Умуман, Ўшда миллатлараро тўкнашувлар бўлганмиди? Матбуот назаридан четда колган айрим тафсилотлар, кўгирчок хукуматнинг катта-кичик рахбарлари харакатларидаги шубхали жихатларни кўриб чиксак, бу саволларга жавоб хам топилади. Шубхасиз, навбатдаги «миллатлараро тўкнашувлар» кандай тайёрлангани хам равшанлашади.

1990 йил 27 май куни эрталаб 12 минг «уйсиз» киргизни бирлаштирган «Ўш аймоги» жамияти Ўшга туташ Ленин номидаги (ахолиси ўзбек) жамоа хўжалигига карашли 32 гектар ерни ўзбошимчалик билан эгаллади. Жамият аъзолари даладаги аёллар кўлидан кетмонларини тортиб олиб, нотикларга халакит бераётган тракторларни тўхтатиб кўйиб, нега ўзбеклар шахарда, киргизлар кишлокда яшаши керак, нега киргиз ерида киргиз хўжайин эмас, шахардаги ховлилар киргизлар хисобидан курилган кабилидаги митингни бошладилар. Шу куни, бедапоя даласидаёк, вилоят партия кўмитаси биринчи котиби Усан Сиддиков бошчилигидаги бюро аъзолари, хали вилоят ва шахар ижрокўмлари карорлари билан давлат мулкига ўтказилмаган колхоз мулкани, асосан, шахарда пропискаси бўлмаган оломонга бўлиб бериш тўғрисидаги карор чикарди. Киргизистон Министрлар Совети раиси Жумагулов, Сиддиков, вилоят ижрокўми раиси Бекболотов

имзолаган гайриконуний карор ижрокўм хисобидан икки от, икки кўй сўйилиб нишонланди: Ер бўлиниб, козиклар кокилди. Ўш шаҳар ижрокўми рўйхатидаги турли миллатга мансуб 8 минг фукаро бошпана (квартира) етишмаганидан ер олишга рози бўлиб турган бир пайтда, 1990 йил февралда М. С. Горбачёв имзолаган «Ер тўгрисидаги Конун» асосларининг 1-бўлими 4-моддасини бузиб, колхоз ерини эгаллаган бу оломон, худди шу асосларнинг 16-бўлими 53-моддасини бузиб, ер бўлиб берган бу раҳбарларнинг «оталарча гамхўрлиги» тагида қандай мақсад бор эди?!

Мақсад игво билан ўзбекларни киргизлар эгаллаган худди шу бедапоёга йигиб олишдан иборат бўлиб, ниҳоятда хатарли ўйинни бошлаган фитначи раҳбарлар нишонга беҳато урган эдилар. Шу куниёқ уч-тўрт юз колхозчи бедапоёга йигилиб, козикларни сугуриб ташлади, ўз-ўзидан норозилик митинги бошланди. Бир томондан ўзбеклар: «Бу қандай бемаънилиқ, талабаларга ям ер бериладими, ахир, ота-буваларимиз пешона тери билан обод бўлган бу ердаги маҳалларимизни яқиндагина қорхона қурамыз, деб бузишганда, давлатга керак экан дедик, сувсиз адирларга кўчиб, ит азобида иморат қурдик; эндиликда, қор-қолимизга ярар, деб беда экиб кўйган еримизни бу хилда талон-торож қилишга йўл кўймаймиз. Ахир, қачонгача киргиз раҳбарларининг телба-тесқари ишларига чидашимиз керак», деган ҳақли эътирозлар билдирдилар. Иккинчи томондан киргиз ёшлари: «Ўш киргизларники, ўзбеклар Ўшдан чиқиб кетсин!» деган қатъий талаблар қўя бошладилар. Вазият кескинлашганига қарамай, шу ерда ҳозиру нозир бўлган жумҳурият, вилоят раҳбарларидан бирортаси пинагини бузмади. «Ўш аймағи» жамияти аъзоларини бедапоядан олиб чиқиб кетишга буйруқ бермади; аксинча, уларни шу кундан бошлаб милиция қўшини кўриқлай бошлади. Буни кўрган ўзбеклар, 28 май куни эрталаб, тагин бедапоёга йигилдилар. Ниҳоят, гайриконуний қарор аввал колхозчиларнинг Марказқўм қотиби Шеримкулов қатнашган мажлисида, шу куннинг ўзида шаҳар советининг шошилиқ чакирилган сессиясида бекор қилиниб, ер колхозга қайтарилди. Сессияда қонунчиликни бузиб, вазиятни кескинлаштирган «Ўш аймағи» жамияти аъзолари бир овоздан қораландилар, бироқ шаҳар ижрокўми имқониятига қараб, уларга бошқа жойдан ер ажратишга қарор қилинди.

Бор гап шу. 27 майдан буён Ўшда «ўралашиб юрган» жумҳурият раҳбарлари оломонни бедапоядан олиб чиқиб кетишга қўрсатма берганларида, «миллатлараро тўқнашув»нинг олди олинган бўларди. Афсус, буни ҳеч қим истамади, аксинча, игво қатъият билан давом эттирилди. Бедапоёни эгаллаган «Ўш аймағи» аъзолари махсус автобусларда узок қашлоқлардан, Ўшдан киргизларга ер бериляпти, деб олиб қелинаётган оломон хисобига қўпаяверди, қелиса қўшини уларни қўриқлаб тураверди. Шу куни, яъни 28 майда шаҳар совети сессияси гайриконуний қарорни бекор қилганига қарамай, Қирғизистон Министрлар Совети раиси Жумагулов қолхоз раиси Қўчқоровга тазйик қўрсатиб, қолхозчилар номидан ерни бўлиб бериш тўгрисида ҳуфя қарор қиларишга мажбур қилди. Шундоғам қони қайнаб турган қолхозчилар бу хабарни эшитиб, 29 майда тагин бедапоёга йигилдилар, уларга бедапоё атрофида бўлаётган найранғни эшитган шаҳарликлар қўшилдилар. Уч қун митинг қилиб қарчаган ўзбеклар шу ерда ҳозир бўлган Қирғизистон Олий Совети раиси муовини Қулматов, Марказқўм қотиблари Чепелев, Шеримкуловларга шаҳар совети қароридан кейин ҳам «Ўш аймағи» жамияти аъзолари бедапоядан олиб қетилмаганидан норозилиқ билдириб, маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий талабларини қўя бошладилар. Бу талаблар орасида миллий

низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган вилоят партия кўмитаси котиби У. Сиддиковни вазифасидан озод қилишдек масаладан ташқари, икки сиёсий муаммо, биринчиси, жамоат ерини истифода қилишда қонунчиликка риоя қилиш; иккинчиси, Ўш вилоятини барча соҳаларда миллатларнинг тенг вақолатини таъминлайдиган алоҳида мухтор (автоном) тузилмага айлантириш масаласи бор эди. Нихоят, шу қуни вилоят раҳбарлари ўз хатоларини тан олдилар, Қулматов таклифи бўйича, талабларни аҳолидан йигиб, ҳукумат аъзолари билан ўрганадиган мурося комиссияси тузилиб, шаҳар совети депутатлари ҳамда жамоатчилик вакилларидан иборат бу комиссияга Қирғизистон халқ депутати Даврон Собиров раис этиб сайланди.

Бирок шунча гап-сўздан кейин ҳам вазият ўзгармади. «Ўш аймаги» аъзолари мелиса кўшинлари муҳофазасида бедапояни эгаллаб туравердилар. Ўзбеклар 30 майда яна бедапояда йигилдилар, ҳукумат вакилларининг аниқ жавоблари талаб қилинди. Шу қуни Қулматов «эр масаласи ижобий хал бўлди, Масалиевнинг муовини сифатида сизларга айтаман, қолган талабларга 4 июн қуни кеч соат 6 да жавоб эшитгани келинлар», дейди. Ўзбеклар «2 июнда обкомнинг майдонида жавоб эшитайлик», деганларида, Қулматов «4 июн кеч соат 6 да қирғизларга жавоб берамиз, шу ерда қўтарилган масала шу ерда тугасин, қелишиб қўйганмиз», деб жавоб беради...

4 июнгача беш қун бор эди. Мана шу беш қун ичида шаҳарда ажабтовур воқеалар юз берди. Ўзбек хонадонларида ижара турадиган жами 2372 қирғиз ташқилий равишда «турбаза»ларга қўчирилди, бир қисми шаҳардаги олаговур таъсирида, вақтинча, туманларга жўнатилди ва... бутун вилоятда «ўзбеклар қирғизларни Ўшдан хайдаб қикарди», деган ёвуз миш-миш тарқатилди. Бу игво кейинчалик ўзбекларга қарши «жазо отрядларини» сафарбар қилишни осонлаштирди. Фожиалардан кейин эса, қўз қўриб, қулок эшитмаган жиноятларни оқлаш учун, Марказга юбориладиган расмий ҳужжатларга асосли далил сифатида тирқалди...

Бундан кейинги воқеалар янада шубҳали кечди. Шаҳар ижрокўми раиси ҳузурида, 31 май қуни ҳукумат вакиллари Қулматов, Жумагулов, Балақон (Жумҳурият Давлат Хавфсизлик кўмитаси (ДХК раиси), Сиддиков ва бюро аъзолари аҳолидан ёзиб олинган 17 масаланинг 15 тасини маъқуллаганларида, мурося комиссияси аъзолари Ўш вилоятини мухтор тузилмага айлантириш масаласини муҳокамадан олиб қўйганларига қарамай, Жумагулов кейинчалик ҳукуматнинг расмий жавобига бу масалани» қўшиб қўйди». Худди шу мажлисда илгари бир неча бор «хал бўлди», деб айтилган ер масаласи яна хал бўлмади. Жумагулов, «барибир», «Ўш аймаги» бедапоядан ер олиши қерак, деб Қулматовнинг 30 майдаги ваъдасини бекор қилди. Вилоят ижрокўми 3 июн қарори билан «Ўш аймаги»га бошқа жойдан 350 гектар ер ажратганидан кейин ҳам, Жумагулов айтганидан қолмаганини исботловчи ҳужжатлар бор. Мурося комиссияси аъзоларидан бири Мираҳмедов 4 июн қуни, қон тўқилишидан икки соат олдин, Ленин қолхозидорасида ўзбек оқсоқолларнинг ҳамма қизишиб турганда шу ишни қилманг, ерни кейинроқ давлатга ўтқазиб туриб, бўлиб берсангиз ҳам бўлаверади», деб ялиниб-ёлворишларига қарамай, Жумагулов қолхоз раиси Қўчқоровга «қозир қориб, ерни ўлчаб берсан», деб дагдага қилгани, шу қайфият билан митингга боргани ҳақида гапиради. Бундан ўзбекларни қатагон қилиш учун, бақона тарзида, ер масаласи атайлаб уюштирилганлиги қўриниб турибди. Умуман, ҳукумат раҳбарларининг бундай шубҳали

харакатларини депутат Даврон Собировнинг ёзма гувоҳлиги янаям ойдинлаштиради: «3 июнда «Ўш аймаги» жамияти жойлашган шаҳар архитектураси идораси олдида жамият раҳбари Бектемиров билан гаплашдим. Нега аъзоларингни бедапоядан олиб кетмаяпсан, деб сўрасам, Бектемиров: «Киргизлар, бари-бир, бедапоядан кетмайди, бунда катталарнинг кўли бор, барибир, кон тўкилади, кон тўкишга зақалат олган одамлар бор. Мен ўйиндан чиқдим, деди. Кўнглим гаш бўлди. Соат 12 ларда вилоят Хавфсизлик Кўмитаси бошлиғи муовини Верешчагин телефон қилиб, бедапояда 30-40 ўзбек тўпланганини айтди, дарров бориб, уларни тарқатиб юбордим. Ўша ерда айланиб юрган Верешчагиндан нега киргизлар бедапоядан кетмай, митинг қиляпти, даб сўрасам, Верешчагин: «Мен бунга жавоб беролмайман, катталар биледи», деб гапни қиска қилди. Тезда мураса комиссияси жойлашган ўзбек театрига келиб, маҳалла вакилларини йигдирдим, 4 июнда бўладиган митингни тўхтатмаси бўлмасди. Шу қуни кечга яқин Жумагулов талабномага ҳукуматнинг расмий жавобини топширди. Қизиги шундаки, биринчи мажлисдаёқ, ўзимиз талабномадан олиб ташлаган мухтор тузилма масаласи жавобга қиритилган эди. Бундан ташқари, Жумагулов митинг қилишга ҳожат йўқ, деди. Ўзимиз ҳам шунинг ҳаракатини қилиб юривдик, бўлмади; Қулматовнинг ваъдасига кўра, барибир, одам йигилди».

Демак, Жумагулов 4 июнда бўладиган митингни тўхтатмоқчи бўлган, фақат нега илгарирок ҳаракат қилмадийкин, ахир ҳар қорхонада беш дақиқалик мажлис йигиб, митинг бўлмаслигини эълон қилиш қийин эмас-ку? Қолаверса, радио, телевидение, рўзномалардан фойдаланиш мумкин эди. Гап бошқа ёқда. Бўлажак қиргин олдидан Жумагулов, эҳтиёт шарт, яна бир қарра бўйнидаги масъулиятни соқит қилиб олган. Қолбуқи, 3 июн кечаси ўзбек қонадонларига автомат роботлар орқали, «эртага соат 6 да бедапояда митинг бўлади, ҳамма митингга чиқсин», деб айқилганини эшитганлар бор. 3 июн қуни «митинг қилишга ҳожат йўқ», деган Жумагулов ўзбеклар талабнома берган 29 дан 30 майгача Қрунзе «ОМОН» отряди (38 нафар), Қрунзе Ички ишлар бошқармаси отряди (42 нафар), Қрунзе милиция мактаби курсантларини (154 нафар) Ўшга қелтириб қўйган эди. Бундан ташқари, Жумагулов қожиа арақасида, ҳар эҳтимолга қарши деб, 2 июндаги оммавий тартибсизликлар туқайли, Андиқонда туриб қолган Тошқент милиция қўшинини (193 нафар) бир қунга ижарага олишни ҳам унутмаган эди...

Ўш қожиалари пухта уюштирилган фитна маҳсули эканлигини тасдиқловчи мана бу фактларга эътибор беринг: Қожиалар арақасида Ўшда, Ўзганда 2 минг дона қизил пешанабог тикилган; 2 июнда Ўшдаги арақ заводидан «Қамаз» (10-57 ОШЛ) машинасида вагонга юқлаш учун 254 яшиқ арақ жўнатилган, лекин машина вагонга етиб бормаган. Қўлимдаги беш қиши имзолаган аризага кўра, завод раҳбарлари орадан 3 қун ўтгандан кейин ҳам «қойиб бўлган» юқ билан қизикмаганлар; Ўзгандаги текис йўлга самосваллардан қўлга қиримли қатта-қатта тошлар тўқилган; вилоят, шаҳар раҳбарлари оилаларини Қрунзегга жўнатилган, тоғли қойлардаги болқутилларини, муқларини хавфсизроқ ерларга қўчиришган; 1, 2, 3 июн қунлари Ўш шаҳрига 3 минг қиргиз қалбақи қрописка қилинган. Энди 12 минг уйсиз қиргизнинг тўсатдан пайдо бўлгани, шаҳар қовети сессияси бекор қилган қайриқонуний қарор Жумагулов «ташабқуси» билан 4 июнғача ўз қучида тургани, бир қунда, бир соатда, бир қойда икки митинг аъзоларига жавоб беришга қелишилгани, муқоқамага қўйилмаган мухтор тузилма масаласи расмий жавобга тирқалгани ва ниқоят, «Ўш аймаги» жамиятининг пешонасини қизил пешанабог

билан тангиган 2 мингдан ортик аъзоси, милиция кўшини мухофазасида 27 майдан 4 июн соат 6 гача бедапояда ўтирганига ажабланмасак ҳам бўлади.

Хўш, аъзолари милиция кўшини мухофазасида бир хафта давомида бедапояда митинг килиб ўтирган «Ўш аймаги» кандай жамият? «Комсомолская правда» рўзномаси мухбири К. Баялиновнинг «Ўш-1990» (22.09.90) мақоласидан: «Ўш аймаги» - киргиз ёшларининг хусусий уй-жой куриш бўйича ихтиёрий уюшмасидир. 1990 йил 10 мартда тузилиб, ўзида 12000 уйсизнн бирлаштирган бу ташкилот вилоят компартияси кўмитасининг арзандасидир. Бу жамият сардори Бектемиров бўйнига олиб, менга айтдики, «биз 4 июнгача вилоят компартияси топширигини кулок кокмай бажариб келдик», деб. Балки, шунинг учун ҳам, хали рўйхатга олинмаган норасмий жамият обком раҳбарлигидаги телефон, мебел, хизмат хонаси, «РАФ», «ГАЗ-24» машиналари, 27 майдан эса 5 та «ЛАЗ» автобуси билан таъминлангандир. Ўш шаҳар ижрокўми раиси муовини Алтибаев тавсиясига кўра (расмий хат №1И17. 18.05.90), жамият раҳбари Бектемиров, маоши сакланган холда, бир ой муддатга насос заводидаги иш жойидан озод қилинганини билгач эса, жамиятнинг норасмий эмас, балки партаппарат кўлидаги «расмий» жамият - куроли эканига ишонч ҳосил қилдик. Фожиалардан кейин, бу жамиятни астойдил химоя қиладиганлар ҳам топилиб қолди. «Киргизистон» демократик ҳаракати раҳбарларидан бири, ёзувчи К. Акматов «Киргизистон маданияти» ҳафталигида (13.09.90) босилган «Когозга ўралган ўт» мақоласида «Ўш аймаги» жамияти фақат ер олиб, уй олиш учунгина уюшган, у ҳеч қандай сиёсий ташкилот эмас», деган оқлов гапларни кўтариб чиқди. Тўғри, бу жамият аъзолари 1990 йилнинг январ ойидан бошлаб, Ўшдаги ўзбекларга қаршли уйларни рўйхатга олиш пайти келгач, яъни фожиалардан кейин, қайси ўзбекнинг уйига қайси киргиз кўчиб киришигача аниқлаб қўйганини, «Ўш аймаги», «Кора шоро» каби фақат киргизлардан иборат мавзелар куриш баҳонасида Ўшни батамом эгаллашни режалаштирганини айтмай кўяқолайлик. Лекин нима учун ички ишлар бошлиғи Х. Тошматовни, текстил комбинати директори З. Юсуповни сўроқ қилган экан? Ахир, бу одамлар вилоят раҳбарларининг кийин-кистови билан норасмий жамият раҳбарига сўроқ берганлар. Бу жамиятнинг яна бошқа сиёсий вазифаларини биламиз, аммо асосий, сценарийда белгиланган вазифаси 27 майдан 4 июн кечки соат 6 гача бедапояда, милиция кўшини мухофазасида «каттик туриб бериш» эди. Табиийки, бундан газабланган ўзбеклар худди шу бедапояга йигилиши, ижтимоий-сиёсий талабларини айтиб, митинглар ўтказиши, маълум соатда жумҳурият ва ундан ташқаридаги фитначи раҳбарларнинг диққат марказида турган кўпгина муаммоларни ўз-ўзидан хал қилворадиган «миллатлараро тўқнашув» содир бўлиши керак эди! 4 июндан бошланадиган даҳшатли фожиалар вилоятнинг Ўшдан уч-тўрт юз чақирим наридаги киргиз қишлоқларига, Ўзбекистоннинг чегарага туташ туманларидаги киргиз аҳолисига олдидан маълум эди. Фақатгина ўзбеклар гафлатда қолдилар. Киргиздан икки ой кейин ўша Жумагулов, Ўш фожиалари бўйича жумҳурият фавақилода комиссияси раиси сифатида, шундай дейди: «Конли вокзаларнинг олдини олиш мумкинмиди? Мумкин эди, деб ҳисоблайман. Вилоят раҳбарлари, умуман, ҳаммамиз, шу жумладаи, мен ҳам вилоятдаги аҳволдан хабардор бўлишимиз лозим эди. Биз ундан беҳабар қолдик, Вилоят раҳбарларига ишониб жуда кеч қелдик». (Ўш вилоят партия кўмитаси Пленуми материалдан. 11.08.90).

4 июн куни соат 5 ларда оқ қийинган қариялар, ўспиринлар, бола қўтарган жувонлар,

чор атрофдаги махаллаларнинг томошаталаб болакайлари, хуллас 10-15 минг ахоли талабларимизга ижобий жавоб берилар экан, деб хурсандчилик, карнай-сурнай билан бедапояга йигилдилар. Хозирча шаҳар телефонлари узилгани, кўпкватли уйлар ораларида киргиз мелисалари химоясида сўйил, арматура бўлаклари билан куроллантирилган кизил пешанабогичли тўдалар тургани, ўзбеклар кочадиган кўчаларга харита бўйича пистирмалар кўйилгани, 40-50 кишилик тўдалар баланд уйлар томларига тош йигиб, ишора кутаётганларини ҳеч ким билмасди. Гап-сўзга сабаб бўлмасин деб хашиша белимизда турадиган пичокларниям уйга ташлаб борган эканмиз, дейди кейинчалик ўзбеклар... Соат 6 дан 10 дакика ўтганда митинг бошланади. Гарчи 2 мингдан ортик киргиз ёшлари 800 метр нарида турган бўлсалар ҳам, ўзбеклардан 20 кадам нарида армия ва милиция кўшини саф тортди. Худди шу «эҳтиёт чора» ўзбекларнинг нафсониятига тегди. Галаговур кўтарилди: «Кўшин бедапоядан олиб чикиб кетилсин, ахир урушгани келмаганмиз, жавоб эшитиб, кетамиз», деган бакириклар янгради. Кўшин бедапоядан чикиб кетди, талабнома бўйича, ҳукумат вакилининг хар жавоби карсак билан каршиланди. Худди шу ўринда, мухтор тузилма мухокамага кўйилсин, деган талабга атайин норозилик кўзготиш максатида, мухторият бўлганмас, бўлмайдиям, Сиддиков ҳам ишдан кетмайди», деб жавоб килинди. Минбарнинг чап ёнидаги юзга яқин оломон мухторият - «автономия, автономия», деб бакирди. Шулар орасидан «ЎзССР», деб ёзилган бир кулоч коғоз кўтарилди. Оломон икки дакика гувиллаб турган бир пайтда, 800 метр наридаги «Ўш аймаги» аъзоларига ёрдамга келган уч автобус киргизни мелисалар тўхтатиб колдилар. «Бизга ёрдамга келганларни бедапояга ўтказишмаяпти, деб ўйлаган 200 га яқин ўсмир, оломондан узилиб чикиб, кўшин тарафга ўн кадам юрди. Аллақачон бедапояда тизилган кўшиннинг биринчи каторидаги аскарлар осмонга, иккинчи катордаги мелисалар эса тўппадан-тўғри одамларга караб ўк узди. Шу ердаёқ 7 ўзбек ўлди, 20-30 таси яраланди. Шу пайт, кимдир «шаҳарда уйларинг ёнаяпти», деб бакириб келганида, ўзбеклар уч-тўрт кишилашиб, ўлган ва жарохатланганларни кўтарганча, Учкўча ва Ёшлар махаллалари оралаб шаҳар марказига югурдилар...

Игво тўла амалга ошди! Энди кочаётган ўзбекларни «оммавий тартибсизликлар» келтириб чикарганликда айблаб, бемалол катагон килиш мумкин эди. Кўп кватли уйлар ораларидан ўтмокчи бўлганлар «пистирма»га йўлиқдилар. Ярадор бўлиб йикилиб колганларни кизил пешанабогичли «жазо отрядлари» арматура бўлаклари билан уриб ўлдира бошладилар. Кочишдан тўхтаганлар, оркага кайрилиб караганлар изма-из келаётган мелисалар ўкига учдилар. «Киргизистон» кўчасининг хар эллик метрида биттадан ўзбек отилди, дейди бу дахшатни кўрганлар. Худди шу кўчанинг беш-олти жойида мелисалар мухофазасидаги куролланган «жазо отрядлари»нинг игвогарона хужумлари уюштирилди.. Бошка томонда эса бедапоядаги кизил пешанабогичли 3 мингга яқин оломон кўзголиб, текстил комбинати атрофидаги ўзбек махаллаларига, кўпкватли уйлардаги илгаридан шартли белги кўйилган ўзбек хонадонларига «ўзбекни йўкот, ўзбекни ўлдир, Ўш киргизларники!», деган хайкириклар билан хужум бошлаб юборди. Шаҳарнинг бошка томонларида куролсиз ахоли номерсиз машиналардан ўкка тутилган. 5 июнга ўтар кечаси махаллаларга мелиса мухофазасидаги талабалар хужумлари уюштирилгани, 4-5 июнларда мелиса бошчилигидаги тўрт томондан шаҳарга киришга харакат килган «жазо отрядлари» бир ёкда қолиб, кизил вертолётлар ўзбекларни уйларидан чикармаслик, бирон жойда йигилмасликлари учун, хонадонлар, махаллалар

устидан шу кадар пастлаб учганки, хайратдан ёкангни ушлайсан. 4 июнда бошланган кора киргин (террор) 5 июн пешингача давом этган. Бу пайтга келиб, касалхонадаёк 35 ўзбек ўлди, 363 таси яраланди, 31 уй, 7 объект, 12 машина ёндирилди!

Режага кўра, камида 3 соатга чўзиладиган митинг 35 дакикада тўзгиб кетди. Соат 8 ларда, яъни коронги тушиши биланок, бедапояга етиб келиши керак бўлган «жазо отрядлари»ни шахарнинг тўрт томонида ахоли тўхтатиб колди. Пухта тайёрланганига карамай, миллатлараро тўкнашув амалга ошмай колди. Яъни, бир томонлама киргин (террор) рўй берди. Киргин изларини яшириш учун 5 июн куни эрталаб арокка тўйдирилган оломоннинг бир кисми Ўшга туташ Калинин жамоа хўжалиги Сармозор махалласига ташланди. Ўзганда игвогарлик билан жанжал чикарилиб, кўз кўриб, кулок эшитмаган вахший жиноятлар учун замин яратилди.

Бир кисмини Ўшдаги киргизларга ёрдамга, бир кисмини харбийга боришдан олдинги тайёргарликка деб йигилган, йўл-йўлакай арок билан тўйдирилган киргиз ёшларини кимлар ёмонликка бошлади? Фуркат махалласидан, шахарга киролмасдан, 4 июндаёк талончиликни бошлаб юборган киргизларни «шахарда ўзбеклар киргиз аёлларининг кўкракларигача кесиб бўлди, нега бу сартларга рахм киласан», деб баттар жазавага солганлар. Икки кун ичида Фуркат махалласида 51 хонадон таланди; кўй-моллари сўйиб ейилди, кийим-кечаги йиртилди, идиш-товоги синдирилди, унларга шиша талкони, мойларга кир порошоги аралаштирилди; Куръон китоблари хожатхонага ташланди, энг хунуги, ота-оналарнинг томогига пичок кадаб туриб, беш-олти хонадон аёллари, кизалокларигача оммавий зўрланди. СССР прокуратураси терговчиси Сулаэвнинг айтишича («Ленин йўли», 29.08.90), харбийлар бу ёвузликларни ўз кўзлари билан кўрган, ammo юкоридан буйрук бўлмаганлиги учун, рейд ўтказиб, оломонни огохлантириш максидида осмонга ўк отиш билангина чекланган. Уч кун давомида оломонга шахардан нон, озик-овкат, нохиялардан эса арок ташиган автомобилларга махсус милиция машиналари сарбонлик килгани тўгрисида хужжатлар бор. Ўзган шахар меъморлик бўлими бошлиги А. Турсунбоев бундай дейди: «5 июн куни эрталаб иккита автобусда келган киргиз ёшлари Ўзган бозорини вайрон килиб, бир ўзбекни ўлдирдилар. Безорилар шахардан хайдаб чикарилди, мелисага ушлаб берилганлари кўйиб юборилгач, ўз-ўзидан, ўзбеклар йигилдилар. Соат бирларда мирзакалик ва черёмушкалик киргизлар хужуми кайтарилди. Бир соат ўтмай, улар кочган томонга вертолётдан курол-аслаха ташланди. Кечга якин Ўзганга Иличевка йўлидан 1,5 минг одам, Мирзака йўлидан автомат, кесма милтик (обрезка)лар билан куролланган 5 мингга якин оломон шахарга бостириб кирди. Санокли дакикаларда, биргина Ясси кўчасида, 190 хонадон ёндирилди. Бу уйлардан кочиб чиккан аёллар, болалар ўлдирилди; бир кисми машиналарда токка олиб кетилди. Бир ойдан кейин, Корадарйодан ит хазар киларли хакоратлар изи колган жасадлар окиб келди. 6 июн куни сахарда Ўзганга 6 та зирхли харбий машина (БТР)да кўшин кириб, райком биносини ўради. Кўшинга «ўзбеклар киргизларни хайдаб, райкомга хужум килди», деб уктирилган экан. Ўзгандаги ёвузликларни одам боласи килганига аклим етмайди. Бу вахшийликлар тасвири туширилган видеофильмдаги бир аёл кўлида котиллар ишлатган ок никобни кўриб киргиз оломонига камокхоналардаги мутахассис котиллар аралаштирилмаганмикин, деб уйладим. Ammo бир нарса равшан. Ўзгандаги киргинда райком котиблари Асанов ва Бўронбоева бевосита айбдордирлар. Ўзган кўчаларида анчагача «Миллатчи Бўронбоевага ўлим!» деган шиорлар осилиб тургани

бежиз эмас!

Икки кун ичида Ўзганда 200 га якин ўзбек ўлди, 1200 таси ярадор бўлди, 92 хотин-киз зўрланди, (бедараклар то хануз айтилмайди). 343 хонадон аввал таланиб, кейин куйдирилди; жами 503 хонадон, 88 автомашина, 36 объект, 212 кора мол ёндирилди! Зарар - 4 милён 587 минг сўм. Июнь ойидаёқ Ўзган шаҳридаги 5 минг жиноят бўйича тергов бошланган. Биз бу рўйхатга Ўзган атрофидаги кишлоқларда содир этилган жиноятларни кўшмадик. 4 июнда Ўшда ёкилган фитна алангаси Ўзганни кул қилиб, 6-7 июнларда вилоятнинг ўзбеклар яшайдиган барча туманларига ёйилганча, чинакамига миллатлараро тўқнашувга айлана бошлади. Киргизистоннинг Масалиёв бошлик ҳукумати каэрга каради дерсиз? 5 июн куни Ўзгандаги ажабтовур вахшийликларни Америка ва Оврупонинг барча телекомпаниялари зўр шов-шув билан кўрсатаётган бир пайтда, Киргизистон Компартиясининг навбатдаги Пленумини очган Масалиёв Ўш ва Ўшга туташ ноҳияларда вазият кескинлашгани тўғрисида қисқача ахборот бериш билангина чекланиб, жумҳурият коммунистларининг фаол иштирокида «Қайта қуриш ва жумҳурият партия ташкилотининг галдаги вазифалари»ни хотиржамгина муҳокама қила бошлади. 6 июн куни кечкурун Масалиёв Фрунзе телевидениеси орқали қирғиз халқига мурожаат қилиб, бундай дейди: «Мен Ўзбекистон раҳбарияти, президент Қаримов билан бир неча бор суҳбатлашдим. Қўркманлар, қирғизлар, Андижондан, Намангандан, Фарғонадан бу ерда яшаётган биродарларини ҳимоя қилиб ҳеч қим қелмайди» (Журналист. М. Мирзараҳимов маълумоти). Қирғиз халқи бу оксоқолнинг гапини, қўркмасдан ўзбекни ўлдиравер», деган маънода тушунди. Худди шу мурожаатда Масалиёв, митнинг фожиасини шарҳлай туриб, «Ўшда ўн минг ўзбек билан икки минг қирғиз орасида тўқнашув бўлди, икки оломон урушди», деган гапни қирғиз халқи қулоғига қуйиб қўйди. Бу -2 минг бечора қирғизни 10 минг зўравон ўзбекдан ҳимоя қилишга, миллатлараро тўқнашув айбдорларини ана шу 10 минг ўзбек орасидан қидиршга даъватдир. Очқирок айтганда, бу даъват автомат оғзини қимга тўғрилаш кераклиги тўғрисидаги кўрсатма эди. Худди шу кунлари вазият оғирлашди. «Фрунзе шаҳри дўқонлари илгари сотиш чекланган арок-вино маҳсулотлари билан тўлдирилди. Пешонасига оқ дурра боғлаган ўн минглаб қирғиз студентлари Киргизистондан ўзбекларни ҳайдаб чиқаришни талаб қилиб, майдонларни ларзага қелтирди. (ҚирТАГ ахборотидан. 6.06.1990). Бу игво маҳсули эди. Дарвокэ, бундай игволар, фожиалардан кейин қўп ишлатилди. Тахминан 13-14 июнларда Ўзган атрофидаги қирғиз аҳолиси хавфсизроқ жойларга ташкилий равишда қўчирилди. Қ. Баялиновнинг «5 минг киши тоғларга қўчди» мақоласида («Комсомолская правда». 21.06.1990.), миллатлараро тўқнашувнинг эндиликда партизанлар урушига айланиши оқибатида, ўн минглаб қочоқлар пайдо бўлди, фақат Ўзган ноҳиясидан 5 минг киши оиласи билан тоққа кетди, деган хабар берилди. Кейинчалик, бу аҳолига жумҳурият ҳукумати «қочоқлик статуси» олиб бермоқчи бўлганда, навбатдаги игвонинг миси чиқиб қолди. Низомга қўра, қочоқлик статуси берилган ҳар бир кишига ўн минг сўм миқдорида маблағ ажратилиши лозим эди.

Шундай қилиб, 4 июнда Киргизистон Олий Совети раиси муовини Қулматов руҳсати билан йигилган ўзбек аҳолиси отилди, тагин 36 соат давомида катагон қилинди. СССР Ички Ишлар Вазирлиги «Ўш вилоятидаги воқеалар тўғрисида»ги ҳужжатида «ўзбеклар милицияга тош, шиша идишлар отди, учли қалтаклар билан қирғизларга ҳужум қилмоқчи бўлди» дейилади. «Комсомолская правда» рўзномасида (6.06.1990) эса «ёнилли



тўлатилган шиша отилди», деб айтилади. Бу бўхтонларни митингда катнашган ўзбек депутатлари инкор этдилар. Кўлларида ҳеч нарса бўлмаган ўспиринлар милиция сафидан ўн кадам нарида отилганини худди шу лахзалар тасвирга туширилган видеофильм ҳам исботлаб турибди. Кўзни ёшлантирувчи газ, сувсепар машиналар, резина калтаклар ишлатилмади, бунга асос ҳам йўқ эди. Юкорида Масалиев Ўшда ўн минг ўзбек билан икки минг киргиз тўкнашди, фожиалар митингдан бошланди, деб айбни кимга ағдариш хакида кўрсатма берганини айтдик. Биринчидан, 4 июн кунги митингда, кутилганидек тўкнашув рўй бермади, унда курулсиз ўзбеклар отилди, холос. Мабодо, тўкнашув бўлди, деб фараз килсак митингдан 8 соат аввал Ўшдан 80 чакирим наридаги Гулчада нукул ўзбеклар ўлдирилиб, уйлар ёндирилганини қандай изохлаймиз? Беш жумхурият раҳбариятининг Олмаотадаги учрашувида Масалиев, «ўзбек аҳолиси автономия масаласини кўйди», деб жиноятга сиёсий тўн кийдирди. Хўш, ўшликлар автономия сўраб қирилган экан, унда ўзганликлар автономия сўрамагани учун қирилдими?! Бир парча ер билан боғлаб игвогарона кўзгатилган ўзбеклар норозилиги замирида кўп йиллик кингир сиёсатнинг «хизмати» йўқмикин?

Масалага чуқуррок назар ташлайдиган бўлсак, 50 йиллар охирида Жалолобод вилояти, 80 йиллардан кейин эса Толас, Чоткол, Тўктагул, Тўғизтўра ноҳиялари кўшиб берилгач, умумий майдони 78 минг кв. километрга етиб, жумхурият ҳудудининг 59 фоизини ташкил этган жанубий Қирғизистондаги ягона вилоят маркази - Ўш шаҳрида сунъий муаммолар яратилди. Биринчидан, ишлаб чиқариш воситалари ҳаддан ташқари марказлаштирилгани тўфайли, ноҳиялардан миграция кучайди; тураржой танқислиги пайдо бўлди; ёппасига кўпқаватли уйлар қурилиши оқибатида қадимий шаҳристон вайрон бўлди; шаҳристоннинг туб аҳолиси - ўзбеклар шаҳар ташқарисига кўчирилди. Иккинчидан, кейинги 20-30 йил ичида партия, совет ташкилотлари, суд, прокуратура, ички ишлар бўлимларидан ўзбек кадрлари четлаштирилди. Бугунги кунда, бутун вилоят бўйича, битта ўзбек прокурори борлиги бу фикр далилидир. Бундан ташқари, маданий-маърифий соҳаларда ҳам ўзбекларнинг аҳоли яхши эмас. Хар йили мактабларни битираётган ўн минглаб ёшларнинг ишга, ўқишга жойлашиши ўз холига ташлаб қўйилган. Айниқса, қайта қуриш сиёсати бошлангандан буён, азалдан ўзбеклар яшайдиган шаҳарларни, ташкилот ва корхоналарни сунъий равишда қирғизлаштириш жадаллашиб кетди. Биргина мисол, кейинги 20 йил ичида Ўшда нега ўзбек кўп, деган омиёна сиёсат билан, шаҳар марказидан 55 минг аҳоли 9-10 чакирим наридаги сувсиз, яйдоқ адирларга кўчирилди. Хатто шаҳар харитасига ҳам қиритилмаган бу адирларда ўзбеклар бир машина сувни 20 сўмдан сотиб олиб, хозиргача иморат қуриш билан банд. Шаҳарда қирғизлар миқдорини кўпайтириш мақсадида, 2-3 йил аввал 10-12 чакирим наридаги қирғиз қишлоқлари шаҳар ҳудудига кўшиб берилди. Холбуки, шундоқкина обком идорасидан бир чакирим наридаги ўзбек маҳаллалари, мавзелари 25 чакирим олисдаги Корасув туманига қарайди! Хозирда Ўшда 55 фоиз ўзбек, 23,7 фоиз қирғиз (кўпчилиги талабалар), Жалолободда 39 фоиз ўзбек, 21,3 фоиз қирғиз, Ўзганда 83 фоиз ўзбек, 12 фоиз қирғиз бўлган ҳолда, шаҳар маҳкамаларида ўзбеклар 8-10, ички ишлар бўлимларида эса 16 фоизни ташкил этади. Ўш шаҳридаги 680 милиция ходимидан 22 таси ўзбек экани аҳволни яққол кўрсатиб турибди. Фақат савдо, транспорт, умумий овқатланиш тармоқларида ўзбеклардан 50 фоиз атрофидадир. Аҳвол шундай бўлса-да, ўзбеклар ҳокимият талашмади, бирор марта қирғизлар билан мен сенга бормади, бор йўғи, 12 минг пропискасиз оломонни «ишга солган» ҳукуматдан адолат талаб қилди,

холос. Буни тушуниш учун, курул эмас, аклни ишлатиш лозим эди! Аммо акл ишлатишни лозим кўрмаган Жумагулов, Масалиев билан бамаслахат, митингдан бир соат олдин, хар кандай расмий жиноятни оклайдиган фавкулодда холат жорий этилганлигини митинг катнашчиларидан атайин яширди. Бу хабар кечки соат саккизларда Фрунзе телевидениэсидан айтилгунча, фавкулодда холатдан хукумат бошлигидан тортиб, мелисагача, айрим киргиз врачларидан тортиб, оддий киргиз «жанговар» фукаросигача уддабурунлик билан фойдаланиб колдилар. 4-5 июнларда Новкат кўчасида, Сармозор махалласида «жазо отрядлари»ни шахарга ўтказмаган ўзбеклар вертолётдан ўкка тутилгани, бостириб келган киргизлар кўйворилган холда, уйларидан куч билан олиб кетилган юзлаб ўзбеклар уч кунгача махсус изоляторларда калтаклангани, сув сўраганларида, уларни мелисалар пешоб ичишга мажбур этганларини Жумагулов кандай изохларкин? Эндиликда бу арбоб, 5 июндан бошлаб Ўшга армиянинг 2147 кишилик кўшини, 196 зирхли техникаси, Ички ишлар вазирлигининг 1171 кишилик кўшини, 21 зирхли техникаси ва бундан ташкари, чегара кўшинлари хам кирганига карамай, Фуркат махалласидаги ёвузликларни тўхтатиш учун нега лоакал ўн нафар аскар ажратолмагани, нега ўзганликлар курулли киргиз оломони талонига икки кун кўйиб берилгани, алданган оломонни курул, транспорт, от-улов, бензин, арок, озик-овкат билан кимлар таъминлагани, кимлар жазосиз жиноятга йўл очиб бергани каби саволларга жавоб бериши лозим. Ўш вилоят рўзномаси мухаррири О. Обидов бундай дейди: «Олой нохияси Саритош, Саримўгул, Даравоткўргон кишлокларига бориб, ахоли билан учрашдик. Хамма бир овоздан: «Кишлок советлари раислари Ўшда ўзбеклар киргизларни кириб ташлапти, ёрдамга боринглар», деб машиналар, бензин, уч кунлик овкат берди. Биз каттик сел келгани учун ярим йўлда колиб кетдик. Етиб боролмадик, дейишди».

Хўш, Ўшда 4 июн куни ўзбеклар киргизларни кириб ташлаган эканми? Вилоят касалхонасининг унча тўлик бўлмаган рўйхатидаги 136 одамнинг 127 таси ўзбек, шундан 70 тасига ўк теккан, колганларига «разрыв печени» (жигар сўкилиши) «зчмт» диагнослари кўйилган. Митингдан отилган 7 кишидан ташкари, касалхонада хам 29 ўзбек ўлди, яна 30 таси ўлим холатида келтирилган. Ўшдаги 6 та касалхонада ярадорларга жой этилмагани, отилганларнинг бир кисми уйларига, Андижон вилояти касалхоналарига олиб кетилгани, кайдсиз, кўмилганларни, ўликхоналардаги ўзбеклар кўлидаги номерларни (масалан, мурда О. Султоновнинг номери 136!) хисобга олсак, Ўшда факат 4 ва 5 июнга ўтар кечаси 140-150 ўзбек ўлди, деган гап тасдикланади. Киргиз миллатига мансуб милиция ва прокуратура ходимлари кўриклаган ўликхоналардан ўзбекларнинг жасадлари йўкотилган (уларни олиб кетган машина номерлари СССР прокуратурасига ёзиб берилган). Расмий маълумотга кўра, шу кунгача юзга якин одамнинг топилмаётгани хам бежиз эмас! Ўшда курбон бўлганлардан ташкари, 700 чакиримли Ўш - Хоруг трассасида юк ташийдиган хайдовчилар, тоғлардаги асаларичилар, ўзбекистонлик чўпонлар орасидаям нобуд бўлганлари, даракциз кетганлари анчагина. Хунук овозлар кўпайганидан, Ўзбекистон хукумати 6 июнда Ўшга бир гурух ўзбек врачларини жўнатмокчи бўлди. Аммо Киргизистон хукумати 11 июнгача бунга рухсат бермади. Беш кун мобайнида ёлгиз худо билади! Шахар бош врачлар Супаналиев сухбатидан («Ленинский пут» 6.06.1990): «Фожиалар рўй бермасдан бир неча кун олдин шахардаги барча табобат ташкилотларида тўла тайёргарлик кўрилди. Бу тайёргарлик беҳуда кўрилган эмас. Шифохоналарга 200 дан зийод ярадор жойлаштирилди. 11 киши ўлди... Аммо бу ракам кўп хам бўлиши мумкин...» Мана шундай

тайёргарликдан кейин ҳам, шаҳар бўйича 50 фоиз врач ишга чиқмаган. Вилоят касалхонасини дори-дармон билан таъминлайдиган аптека мудираси «йўқолиб» қолган. Шаҳар шифохонаси йўлакларида ўзбеклар консираб ётганда, жаррохлик хонасининг калити уч соат кидирилган. Кўчада бошланган жиноят касалхоналарда давом эттирилганига 4 июнда жароҳатланган Х. Раимбердиевнинг бўғиб ўлдирилгани, сонидан жароҳатланган А. Усмоновнинг, елкасидан жароҳатланиб, ўз оёғи билан жаррохлик хонасига қирган О. Султоновнинг шубхали ўлими далилдир. СССР прокуратураси терговчиси Калининченко суҳбатидан: «Хавфсиз жароҳатлар билан касалхоналарга олиб келинган уч фуқаронинг нобуд бўлганлигини ҳужжатлар аниқ кўрсатиб турибди. Алоҳида тергов гуруҳи бу иш билан шугулланяпти» («Ленин йўли» 6.07.1990).

Жиноят шу билан тугамайди. Ўш фожиалари бўйича жумҳурият фавқулодда комиссия раиси Жумагулов ахборотидан: «Унча тўлик бўлмаган маълумотга кўра, вилоят бўйича 230 киши ўлди, 1371 киши жароҳатланди, 88 киши бедарак йўқолди; 411 уй, 54 объект, 89 машина ёндирилди, 557 транспорт шикастланди, 222 машина ўғирланди, 225 уй таланди, халқ хўжалигига 80-85 милён сўмлик зарар етди». (Ўш вилоят партия кўмитаси пленуми материалдан. 14.08.1990). Ажаб?! Жумагуловнинг 4 июндан 11 августгача қамраган ахборотида ўлганлар 230 та, СССР прокуратураси терговчиси Калининченко кўлидаги ҳужжатда эса фақат 4 июндан 8 июнгача ўлдирилганлар сони 309 тадир! 8 июндан кейинги оммавий бўлмаган котилликлар билан маҳаллий терговчилар шугуллангани ва уларнинг кўлида ҳам «унча тўлик бўлмаган маълумотлар» борлигини назарда тутиб, фожиалар кўламини тасаввур қилиш қийин эмас. Холбуки, 8 июндан июл ойи ўрталаригача, анча жиноятлар содир бўлган. Яна бир «чалқашлик»: «804 бедарак йўқолган кишидан 385 тасининг турган жойи аниқланди», дейилади «Ленин йўли» рўзномасида (30.06.1990). Жумагуловнинг рўзнома хабаридан ўн кун кейинги ахборотида эса бедарак йўқолганлар сони 88 тага туширилган! Демак, 4 июндан 30 июнгача топилмаган 419 одам дарров топилган экан-да! Энди Жумагулов ахборотидан икки ой кейинги маълумотга эътибор беринг: «... рўйхатга олинган қабрлардан ва бошқа жойлардаги жасадлардан 93 тасининг шахси аниқланди. Хозир 22 жасад шахси аниқланмоқда» («Ленин йўли». 9.10.1990). Бу хабардан бир ой кейин ҳам, Ўзгандаги оммавий равишда кўмилганлар қабрларини очиш бўйича олиб борилаётган ишлар тугамаган эди. 4 июнда ўлганларнинг юз фоизи, 5 июнда ўлганларнинг тўксон беш фоизи ўзбеклар. Нобуд бўлганларнинг миллати яширилаётгани, шу кунгача депутатлар комиссияси тузилмаганининг боиси шунда эмасмикин?! Нихоят, авжи фожиалар бўлиб ўтган июн ойида халқ хўжалигининг умумий зарари 40-50 милён сўмлик эди, ажабки, нисбатан тинч, кейинги бир ойда бу рақам 80-85 милён сўмга етган! Ўзбеклар қулфати бахонасида, давлатдан кўп йиллик қарзини узолмаган хўжаликлар ўзини ўнглаб олди, дейишга асослар бор!!

Бордию, фожиалар тасодифий бўлса, унга сиёсий баҳо берилиши, ташкилотчилар, ижрочилар жазоланиши керакмасми?! Бирок Қирғизистон Компартиясининг XIX съезди бу жиноятга сиёсий баҳо бермади. Ўшликлар умидвор бўлган КПСС ХХВИАИИ съездида, миллий масалалар бўйича секцияни айнан Масалиев бошқарди!.. Бундай сийловлардан бошқалар ҳам қурук қолмадилар... Илгари, вилоят партия кўмитаси биринчи котиблигида йўл қўйган хатолари учун Қирғизистон Олий Совети раиси муовини Қулматов истеъфога чиқарилди; аммо кўп ўтмай, у Қирғизистоннинг Москвадаги ваколатхонасига раис этиб

тайинланди. Вилоят ижрокўми раиси Бекболотов жумхурият агросаноатининг курилиш бўйича вазирлигига, Ўзган тумани партия кўмитаси котибаси Бўронбоева вилоят «Билим» жамияти раислигига тайинланди. Сийланганлар рўйхати бу билан ҳам тугамайди... Бундан норози бўлган ўшликлар иш ташладилар... Жалолобод галаён кўтарди... Ўзганни армия «босиб» турди! Арзимас ваз билан ўзбекларга минг сўмдан жарима солина бошланди. Жисмоний террордан сўнг, иктисодий террор кучайтирилди. Ўш вилоят партия кўмитасининг август ойи пленумида катнашган КПСС МК котиби Гиренко бор айбни норасмийларга, хусусан, киргизларнинг «Ўш аймаги», ўзбекларнинг хали дастурини шахар ижрокўмига беришга ҳам улгурмаган, номи бору ўзи йўк «Адолат» ташкилотига тўнкаб, партаппарат айбини хаспўшлаганида, Кремлнинг маккор сиёсатга асосланган муносабати фош бўлди!..

Ўзбеклар куролланяпти, деган гаплар кўпайди. Мен бунга ажабланмадим-у, шунча хунрезликдан кейин ҳам кўзи очилмаган, радио-телевидениэ, оммавий ахборот воситалари оркали киргинларни миллатлараро тўкнашув деб, киргиз билан ўзбекни уриштириб кўйиб, ўзи томошабин бўлаётган шовинистлар тегирмониغا сув куйган айрим киргиз зиёлиларига хайрон колдим. Ч. Айтматов «Литературная газета»даги «Кайта куриш таажжуботлари» маколасида икки жумхурият орасидаги чегара бузилмаслигини таъминлайдиган Хелцинки битимидек бир шартнома тузиш лозимлигини таъкидлади; «Киргизистон маданияти» хафталигида оксокол ёзувчи Т. Косимбеков «мухториятчиларнинг попуги пасайиб колди», деб ичкоралигини кўрсатди. Айникса, шу хафталикда босилган (13.09.1990) кечаги ашаддий коммунист. эндиликда, «Киргизистон» демократик харакати рахбарларидан бирига айланган К. Акматовнинг «Когозга ўралган ўт» деган маколасида Андижон ва Ўш вилоятлари чегарасида паспорт режими жорий қилиш тавсия этилади. «Ўзбек миллатида, - дейди К. Акматов, - 1989 йили Фаргона, Андижон (?), Бўка, Паркент туманларидаги месхети турклари ва бошқаларни (?) хайдаб чиқаргандан кейин, махаллий ўзбек шовиизми бош кўтарди. Клерикал онг-туйгуси кучайган Ўшдаги ўзбек халки Сулаймон тоғидаги Бобур уйини, киргизларни кўшмасдан, ўз харажатига курди, мачитларни кайтариб олиб, бошка халк маданиятини менсимай кўйди». Биринчидан, К. Акматов Фаргона фожиалари, худди Ўш фожиаларидек, фитна махсули эканлигини билишни истамайди. Иккинчидан, Бобур уйини куришда беш-олти юз киргиз талабалари ҳам катнашганликларини хисобга олмайди. Учунчидан, ўшлик ўзбеклар қайси халк маданиятини менсимадийкин? Гап киргиз маданияти тўғрисида кетаётган бўлса, Ўшда қадимий киргиз маданиятига доир бирор белги борми? Умуман, бу шахарда илгари киргизлар яшаганми? Бу алохида мавзу талаб қиладиган масала. Аммо, айна пайтда, суверенитет хақидаги гаплар таъсирида, «ўзбеклар келгинди халк, киргиз еридан чиқиб кетсин», деган расмий ва норасмий шиорлардан хабаримиз борлиги учун ҳам, 1987 йили Фрунзедаги «Илм» нашриётида чоп этилмиш «Қадимий Ўш» китобидан бор-йўги, уч лавха келтириш билан кифоялансак. «ХВВИИ-ХВВИИИ асрларда калмик хонлиги Мўғулистондан киргизларнинг бир қисмини Фаргона водийсига, бир қисмини Тиёншон ва Еттисувга суриб чиқарган». Балхлик сайёх Ибн Вали (ХВВИИ аср) маълумоти: «Хар замонда бир, Ўш атрофларига киргиз қабилалари кўчиб келади, бу тўполончи козоклар (дайдилар маъносида - Ш. Р.), бўрилардай изгиб, мусулмонларни талайди». 1908 йил ахоли рўйхатида кўра, Ўшдаги 43433 ахолидан 39787 таси сарт (ўзбек), 7 таси киргиз бўлган. Бу маълумотларни келтирдим-у, ўшлик, фрунзелик киргиз дўстларимни ўйладим. Аммо начора, эндиликда суверенитет хақидаги

гаплардан боши айланиб, «Ўш киргиз ери» дея киргиз халки миясини захарлаётган зиёлилар 1924 йили РСФСР таркибида тузилган коракиргиз мухтор вилоятига Жалолобод шахри 78 фоиз, 1936 йили Ўш шахри 88 фоиз, Ўзган шахри 90 фоиз ўзбек аҳолиси билан, Туркистондан ажратиб берилганини билармикинлар?

Энди, бу гапларни хам кўятуриб, «миллатлараро тўқнашув» тарзида талкин этилган Ўш фожиалари замиридаги асосий сабабларни тахлил қилайлик.

Сўнгги тўрт йил давомидаги «миллатлараро тўқнашувлар» шуни кўрсатдики, каэрда буюк империя сиёсатида, шовинизм ва партаппарат измидаги бюрократизмга карши кураш кучайса, бу рус халкига карши кайфият сифатида бахоланиб, ўша ерда тинч-тотув яшаб келаётган бошка кандош миллатлар орасида беихтиёр конли тўқнашувлар содир бўлмокда. Кайта куриш сиёсати бошлангандан буён, рус, украин, беларуслардан ташкари, деярли барча катта халклар бир-бирлари билан тўқнашиб бўлдилар. Россияда демократлар, монархистлар, анархистлар, христиан демократлар, миллатчилар, корагурухчилар, кашандалар, пиёнисталар, фохишаларнинг юзлаб митинглари, намойишлар бўлиб ўтди. Аммо бирор киши экстремизмда, нашавандликда, миллатчиликда айбланмади!.. Энди 1986 йил декабр ойида Олмаотанинг Брежнев майдонида бўлиб ўтган, кейинчалик «миллатлараро тўқнашув», деб эълон қилинган конли вокзаларни эсланг. Ўшанда, шундогам руслашиб бўлган жумхурият рахбари Д. А. Кунаев марказ иродаси билан, 18 дакикалик пленумда ишдан олиниб, ўрнига Колбин тайинланди. Шовинизм томонидан козок халки номига шунчаки «расмийлаштирилган» жумхуриятнинг батамом ассимиляция - кўшиб юборилишига карши тинч намойишга чиккан 5 мингдан ортик козок ёшлари ички кўшинлар, арматура бўлаклари билан куруллантирилган рус, украин ишчиларининг «жазо отрядлари» ёрдамида конга ботирилди. Тўрт йилдан кейин, козок парламенти ўша жинойат изидан тушганида, ушбу хужжатга дуч келди: «Муддати ўтганлиги муносабати билан, амалий кучини йўкотган «Куюн» («Метел») юперацияси харакат плани куйдириб йўк қилинди». (Ички хизмат подполковниги Калинин. «Комсомолская правда» 2.09.1990). Шу рўзнома хабарига кўра, бу операция плани тайёрланаётган штабга КПСС Марказий Кўмитаси, СССР Давлат Хавфсизлик Кўмитаси (ДХК), СССР Ички ишлар вазирлиги (ИИВ), СССР прокуратураси, Козогистон ДХК ва ИИВ вакиллари йигилган.

Фаргона фожиалари тагидаям шовинизмга алокадор сабаблар бор. Рашидов ўлимидан сўнг, узок йиллар давомида, барибир, руслашмай колган кучли жумхуриятни талон-торож қилиш, хар томонлама ўзлаштириш имкони пайдо бўлди. Марказий матбуотнинг «рашидовчилик», «ўзбек иши», «пахта иши» каби сунъий гавголарида гангитилган жумхуриятнинг янги рахбарлари «илтимосларига кўра», Россиядан юзлаб чаласавод рахбарлар «десанти» Ўзбекистонга ташланди. 1988 йил охирига келиб, тўрт йилда 58 минг миллий кадрни бадном қилиб, ярмини каматиб юборган «десантчилар» сиёсати фош бўла бошлагач, энди ўзбек халқини миллатчиликда айблаш керак бўлиб колди. Ярим йиллик тайёргарликдан кейин, чет эл радиоси хабарига кўра, 45 йил давомида СССР олий органларидан Месхетияга кайтаришни 154 марта талаб қилавериб чарчаган, май ойида, нима қилиб бўлсаям, Месхетияга кетишни режалаштирган туркларнинг фаоллашувидан, яна худди шу ойда ижтимоий-сиёсий талаблар билан намойиш ўтказишга тайёрланаётган Фаргона ёшлари харакатининг кучайишидан усталик

билан фойдаланилди. Бир тўда жинойтчи унсурлар воситасида, икки дард билан ловиллаб турган ўзбеклару турклар тўкнаштирилди. Окибатда, шўрпешона турклар Россиянинг бўм-бўш кишлокларига мардикорликка олиб кетилди. Аллақачон экстремизм ва нашавандликда айбланган фаргоналик ёшлар ижтимоий-сиёсий талабларига кўшиб Кўконда отилди! Бу икки ҳаракат, яъни ўзбеклар ва туркларнинг фаоллашувида, русларга қарши қайфият бор, деб тахмин қилинганини айтиб ўтиш шарт. Бундай тахмин 1989 йил 20 майдаги Ўш вокзасидан кейин (Ўш фожиаларидан роса бир йил илгари!) пайдо бўлиб, худди шу вокза Фаргона фожиаларини жадаллаштириб юборган.

Ўша 1989 йил 20 майда қандай вокза бўлувди? Аввал Ўш вилоят ДХК бошқармаси раиси Мамеэвни эшитайлик: «Миллатлараро носоглом муносабат Фаргона фожиаларидан кейин пайдо бўлди. Руслар билан киргизлар урушармиш, деган ваҳимали миш-мишлар шу кўйга олиб келди...» («Ленинский пут» 12.07.1990). Масала равшан!.. Бирок бу «ваҳимали миш-мишлар» Фаргона фожиаларидан кейин эмас, бироз олдин тарқалган. 1988 йили Ўшнинг Паттрест деган жойидаги Ленин хайкали бошига қорамой пакирини қийдириб, хайкал пойига қизил бўёқда «энг хавфли жинойтчи», деб ёзган киргиз ёшлари ҳақида гап-сўз чикди. Бу ишни киргизлар қилганмиди ёки Киргизистон демократик ҳаракатининг Ўшда қучайган қанотига зарба бермокчи бўлган қора қучлар қилигими, билмадим! Бирок 1988-89 йиллари, Ўшда киргизлар ҳужум қилармиш, деган миш-мишлар қўпайганидан, байрам қунлари намойиш ўтказиладиган асосий қўчаларда ҳарбийлар, ички ишлар ходимлари қўпайтирилганини, киргиз талабалари байрамлар арафасидаёқ уйларига жўнатиб юборилганини айтиб ўтиш керак. Нихоят, 1989 йил 20 майда Ўшда Тўктагул боғи этагидаги қўприқда юзлаб киргиз билан ўрис муштлашгани, қонли тўкнашувни милиция қўшини осмонга ўк отиб тарқатгани, худди шундай вокзалар Жалолободдаям содир бўлганини эслақак, Ўш фожиаси сабабларидан бирининг илдизи очилади. Демак, фожиадан бир йил аввал киргизлардаги русларга қарши ёки аксилрус қайфият ўзбекларга қаратилган, деб ҳулоса чиқариш учун асосли далил бор. Бунга зарурат бормиди? Бор эди, албатта. Роппа-роса бир йиллик даҳанаки жангдан кейин 1989 йили партаппарат қаршилигини синдириб, бир пайтлар ёвузлик билан бузилган ўзбек шоҳи ва шоҳири Бобурнинг уйи тикланди: Жалолободликлар 1989 йил охирида, 1924 йил миллий чегараланишидаги хатоликларни тузатиш тўғрисида М. С. Горбачёвга хат ёзди; вилоятнинг ўзбеклар яшайдиган жойларида мачитлар тиклана бошланди, исломий ҳаракат қучайди. Ўшлик зиёлилар бундай дейди: «Қонли фожиаларга жумҳурият раҳбарияти бир йил тайёргарлик қўрди. Миллатчи Рискаев (нашриёт ва матбаа давлат қўмитаси раиси) ишни матбуот, телевидение орқали Ўзбекистондаги, хусусан, Баҳмалдаги киргизларни қул қилиб ишлатишяпти, деб уйдирма тарқатишдан, Ўзбекистон раҳбарларига тухмат ёғдиришдан бошлаган». Қизик гаплар... Адашмасам, худди ўша пайтларда Фаргона вилоят «Коммуна» рўзномасида бешта СССР халқ депутаты имзоси билан, «ўнта Нишоновдан битта Рашидов қикмайди», ибораси ила машур мақола чоп этилган... Назарий қўринишдаги бу ҳаракат 1990 йил январ ойида жадаллашиб, амалий тус ола бошлади. «Комсомолская правда» рўзномасида (07.1990) Киргизистон бўйича муҳбир Баялиновнинг «Милтик - эҳтиёт қуроли» мақоласи эълон қилинди. Мақолада 1988 йили 2068, 1989 йили 2280 та қурол сотилгани, ташкилотлардаги 12 минг қуролни қўшиб ҳисоблаганда, умуман, Киргизистонда 20-25 минг қиши қуроллангани тўғрисида шубҳали ҳулосаларга олиб борадиган хабар бор. Айнан ана шу январ ойидан бошлаб, вилоят ўзбекларидан ов милтиқларини, ўзбек

мактабларидан ўқув милтикларини йигиб олишди; аксинча, тоғларда бўри кўпайиб кетди, деган бахонада, вилоятнинг аҳолиси факат киргиз бўлган Совет, Олой туманларига кўп миқдорда курул, ўқ-дори сотилди. СССР Ички ишлар вазирлигининг фожиалардан кейинги хулосасидан: «1990 йил январидан фожиагача партия-совет органларига киргизлар ва ўзбеклар ораси кескинлашгани тўғрисида 11 марта хабар берилган». Худди шу хужжатда аҳолининг кескинлашувиغا 1990 йили (ой-куни кўрсатилмайди) Ўзганда ота-бола киргизнинг ўлдирилиши, Корасувда 4 кишилик ўзбек оиласининг, Ўшда - жамоат транспортида бир киргизнинг ўлдирилиши сабаб бўлди, дейилади. Чиндан шундаймикин? Суриштирдим. 1989 йил май ойида Ўзганда аёлларга шилкимлик килган киргизлар билан ўзбеклар орасида муштлашув бўлгани рост. Аммо на Ўшда, на Жалолободда киргиз билан ўзбек урушмаган. Аксинча, кимдан сўрамайин, ҳамма, шу пайтгача киргизлар билан ўрислар ораси кескинлашиб келган, деган гапни тасдиқлайди. Ўш вилоят ДХК бошкармаси раиси Мамеёв расмий хужжатидан: «1990 йил январидан фожиагача обком ва жумхурият ДХКсига вазият кескинлашгани (кимлар орасида?) тўғрисида 9 марта хабар берилган». («Советская Киргизия» 23.09.1990). Аксар матбуотда эълон килинган Чеундай хужжатларда киргиз билан ўзбек муносабати кескинлашгани тўғрисида маълумотлар йўқ. Масалан, Мамеёвнинг 1990 йил 20 апрелдаги хужжатидан: «...Вилоят типчини, вақти-вақти билан миллий тортишувга айланадиган, ўсмирлар ва талабалар ўртасидаги безорилик тўқнашувлари бузиб турган». («Советская Киргизия» 23.09.1990). Мамеёв бунга мисол тарикасида, 1990 йил 28 январда Сулаймон тоғи тагида 20-30 ўсмир бошлаган «кўнгилсиз» ходисани келтиради. Биринчидан, 20 апрелдаги хужжатга 28 январдаги ходисанинг тиркалиши кизик. Иккинчидан, 28 январда 20-30 ўсмирмас, мингдан ортик, яна бир маълумотга кўра, уч мингдан зийод ёш ўзбек намозхонлари илгари инкилоб музейига айлантирилган Абдуллахон масжидини тўполон билан қайтариб олганлар. Ўзбекларни катагон қилиш бўйича тайёргарликнинг 1990 йил январ ойидан жадаллашгани сабаби энди аёнлашди!.. Яна бир сабаби бор, уям бўлса, худди шу январ ойида Киргизистон Олий Кеигашининг мулкчилик масаласи кўрилган сессиясида, айрим депутатлар ўз маърузаларида «мулкчилик тўғрисида конун қабул қилмаймиз, чунки, шаҳарларни меҳмонлар (яъни, ўзбеклар) эгаллаб олган», деганлар. Хуллас жанжал керак эди! Жумхурият раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши билан, обком паноҳида кейинчалик провокация курули сифатида ишлатилган «Ўш аймағи» жамияти яратилди. Апрель- май ойларида бу жамиятнинг очик чиқиб фаоллашуви ўзбекларга қарши қўйилган жазо аппаратлари тўла ишга тушганидан далолат берарди. Вилоят ДХК бошкармаси раиси Мамеёвнинг 1990 йил 25 майдаги (фожиа арафасидаги) хужжатида («Советская Киргизия» 23.09.1990) «Ўш аймағи» жамияти аъзолари 27 май куни эгаллайдиган (қаранг-а, икки кун олдин ҳаммаси маълум экан!) Ленин номидаги жамоа хўжалиғи ерида киргизлар билан ўзбеклар тўқнашиши мумкинлиғи, аҳолининг айрим қисмида Ўш вилоятини Ўзбекистонга қарашли мухтор вилоятга айлантириш нияти борлиғи маълум қилинган! 1989 йили СССР Олий Шўросининг мухтор ва миллий тузилмаларига доир конунига ишониб, М. С. Горбачевга хат ёзган, аммо маънили жавоб ололмаган жалолободлик оксоқоллар 1924 йилги миллий чегараланиш сиёсатини қайта қўриб чиқиш ёки ўзбекларга мухторият (автономия) беришни сўраб, М. С. Горбачевга иккинчи марта хат битиб, бир нусхасини БМТга юборган эканликларини юкорида айтдик. Бу масала Жалолободдан Ўшга кўчирилиб... давлат идораларида расмийлашганидан кейин, жумхуриятнинг Масалиёвдан бўлак барча раҳбари Ўшга йигилиб, бир парча ер бахонасида ўзбекларни «кўзгагани» ҳам маълум. Кўлида ИИБ, ДХК каби қудратли

ташкilotлар бўлган Жумагуловдек рахбар учун бир тўда «конуний жиноятчи ёки киморвоз»ни, «Автономия!», деб бакиртириш, «ЎзССР» сўзи ёзилган бир кулоч коғозни кўтартириш муаммо эмас эди!.. Акс холда, Жумагуловнинг бошдан оёк шубхали харакатларини кандай изохлаш мумкин? Лекин изохлаша бўлади...

Киргиз хукумати рахбарияти 20 милёнли ўзбек халкининг бир бўлагини, марказга суянмасдан дадил катагон килишдек жиноятни амалга ошириши мумкинми? Асло! Юкорида фитна иплари 1990 йил январ ойига боғланганини кўрдик. Демак, «миллатлараро тўкнашув» январ ойидан 4 июнгача назоратда турган. Ахир, Ўшда кон тўкилиши 29 майдаёк, Кремлга маълум бўлган! Боз устига, миллатлараро низони келтириб чиқараётган рахбарларнинг кирдикорлари тўгрисида Ўш аҳолиси номидан СССР Олий Шўросига телеграммалар ҳам жўнатилган. Фожиалардан буён, орадан ярим йил ўтди, катта-кичик рахбарларнинг бўлиб ўтган ишларга сирли муносабатидан беихтиёр куйидаги хулосаларга келдик: Албатта мулкчилик тўгрисида конун қабул қилишдан аввал, вилоят шаҳарларини «эгаллаб олган» ўзбекларни Ўзбекистонга ҳайдаб чиқариш қайфиятида юрган рахбарлар нияти амалга ошмай қолди. Лекин фожиадан кўзланган майда ниятлар ҳам бор эди... Аммо фожиадан кўзланган асосий мақсад-биринчидан, ҳокимият масаласи: Демократия шароитида ҳам, ҳокимият жиловини маъмурий-бюрократик аппарат кўлида сақлаб қолиш, кескин ўзгаришларни талаб қилаётган демократик харакатга зарба бериш, ўзбек аҳолисининг маъмуриятчиликка қарши қурашишини, исломнинг фаоллашувини тўхтатиш эди; иккинчидан, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни танлаган, биринчи бўлиб президентлик бошқарувини жорий этган, мустақиллик декларациясини қабул этаётган Ўзбекистон хукуматига ҳам ташқаридан зарба бериш бўлса. учинчидан, чет элларда ва Ўзбе-кистонда қучайиб кетган Туркистонни тиклаш гоёси, туркий халқларнинг бирлик сари интилишини барбод этишдан иборат эди.

Бордию, хулосаларимиз тахминга йўйилса, ушбу саволларга жавоб излашимиз керак: Нега фожианинг дастлабки куниданок, СССР Олий Шўроси фавқулодда ходисалар бўйича комиссияси тузилмади? Нега СССР Олий Шўроси қошидаги Миллатлар Кенгаши фавқулодда мажлис чақирмади? Нега СССР Олий Шўроси Миллатлар Кенгашининг Ўш фожиалари бўйича қарори фожиалардан 4 ой кейин қабул қилинди?! Нега бу қарорнинг 3-бандидаги «Киргизистон Олий Шўросига Ўш вилоятида рўй берган воқеаларга принтсипиал баҳо бериш таклиф этилсин», деган кўрсатма ижроси назорат қилинмади?! Тергов деярли тўхтаб қолгани, жиноятчиларга енгил-элпи жазо берилаётгани нега марказни кизиктирмапти?! Нихоят, ДХКнинг ҳар хил низоларни уюштирувчи махсус бўлими борлигини ошқор қилгани учун генерал Калугин унвонларини махсус фармон билан бекор қилган президент ёш болалар, аёллар, юзлаб одамлар ўлимига сабабчи бўлган «тўкнашувлар» матбуотда қош этилганидан кейин ҳам, лоакал таъзия билдирмади?!..

Начора, даъволаримиздан кўра, саволларимиз кўп! «Кандайдир, кўзга кўринмас, кўлга тушмас махфий гуруҳлар»нинг фитналаридан тобора мужоҳидлашаётган фуқаролар тилида қотиб қолган бу саволларга ҳеч жавоб топа оламизми?! Кавказ мусулмонлари диний бошқармаси раиси Шайхулислам Оллошукур Пошшозода 1990 йил 21 январда, Боқудаги қиргин муносабати билан, М. С. Горбачевга юборган мурожаатномасида



бундай деган эди: «Ўзининг мустамлакачилик максадлари йўлида миллатлараро низоларни бартараф этиш ўрнига, уни ўт олдирадиган мамлакат шармандаликка мустахикдир. Бундай мамлакат ўз армиясини ўз фукароларининг котилига айлантиради; бундай мамлакатда инсон, хакикий хаётдан кўра, кўпрок ўлимга махкумдир. Бирок халк билан, жумладан, озар халки билан хам, курул тилида сўзлашиш мумкин эмас. Бу, Афғонистондаги каби, эхтимол, ўн йил, эхтимол, ўн кун. давом этар. Аммо эртами, кечми хакикат, барибир карор топади!..»

Мен бу чин муслмон сўзларини хаёлимнинг энг ёруғ ерларига ёзиб кўйдим...

Шавкат Рахмон

Ош — Тошкент,

Ноябр — декабр, 1990 йил

«Фитна санъати» (1-китоб, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1993) китобидан олинди.